



« 01 » 10/16 2021-у.

№03-04/01-3154 « _____ »- _____ 2021-ж.

Қорақалпоғистон Республикаси
Тахياتош тумани прокурори
А.Р.Джумамуратовга

Нухаси: Тахياتош тумани Халқ
таълими бўлими мудир
А.Орынбаевага

*Сизнинг 2021 йил 25 июндаги
№24/4-242936-21-сонли хатингиз бўйича:*

Фуқаро М.Тажимованинг Тахياتош тумани ХТБга қарашли 4-сонли мактабда ўқитувчи бўлиб ишлашини билдириб, ўриндошлик асосида ўқитган дарслари учун пул ажратилмаганлигидан ва ўзига 2021 йил апрель ойида моддий рағбатлантириш берилмаганлигидан норози бўлиб йўллаган мурожаати юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўрганиш ишлари ўтказилганда қуйидагиларни маълум қилади.

1. Савол: 2020-2021 ўқув йили октябр ойида ҳамқасиби коронавирус туфайли карантинга олинганлиги, унинг рус тил фанидан ўқитаётган (*бошланғич синфларда 2^б-2 соат, 3^б-2 соат, 4^б-1 соат, 3^б-1 соат, 2^а-1 соатга, юқори синфларда 5^б-1 соат, 5^б-2 соат, 6^б-2 соат*) дарс соатларни ўқитганим учун иш ҳақи тўланмади дейилган.

Жавоб: Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 146-сонли буйруғининг 1-иловаси билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим мактабларининг I-XI синфлари учун 2020-2021 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режа" ва мазкур таянч ўқув режанинг тушунтириш хатининг 12 бандида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сонли қарори билан "Умумий ўрта таълим тўғрисида"ги Низом тасдиқланган. Ушбу Низомнинг 29 бандига кўра Малакали ўқитувчилар етарли бўлган қуйидаги ҳолларда синфдаги ўқувчиларни икки гуруҳга бўлиб ўқитишга рухсат этилади:

ўқувчилар сони 25 нафар ва ундан зиёд бўлган умумий ўрта таълим муассасаларининг I — IX синфларида «Чет тили» фани, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим муассасаларида ихтисослашган фанлар, V — IX синфларда «Информатика» ва «Меҳнат таълими», VIII — IX синфларда «Жисмоний тарбия», таълим тили ўзбек тили бўлмаган умумий ўрта таълим муассасаларининг II — IX синфларида «Ўзбек тили» фани ҳамда таълим тили рус тили бўлмаган умумий ўрта таълим муассасаларининг II — IX синфларида «Рус тили» фани бўйича бўлиб ўтилиши белгиланган.



Эътибор беринг, Низомнинг 29 банди сўз бошида белгиланган биринчи шартда бу Малакали ўқитувчилар етарли бўлган куйидаги ҳолларда синфдаги ўқувчиларни икки гуруҳга бўлиб ўқитишга рухсат этилиши белгиланган.

Хулоса ўрнида биринчи навбатда ўқувчилар сони 25 нафар ва ундан зиёд бўлган тақдирда ҳам Малакали ўқитувчилар етарли бўлмаса бўлиб ўқитишга рухсат этилмайдиганлигини билдирамиз.

2. Савол: Мактаб ҳузуридаги ички гуруҳ қарорига асосан 2021 йилнинг апрел ойида директор жамғармаси ҳисобидан мукофот тайинланганлигин, лекин туман ХТБнинг маъсул ходимлари томонидан менга ўқитаётган 23 соатга эмас фақат 20 соатга (базавий тариф ставка бўйича) мослаб тўлаганлигин билдирган.

Жавоб: Тахиатош тумани ХТБга қарашли 4-сонли умумий ўрта таълим мактаб ҳузуридаги ички гуруҳ мажлисининг 2021 йил 26 апрелдаги 4-сонли баённомасига асосан рус-тили фани ўқитувчиси М.Тажимовага бир ойлик иш ҳақи миқдоридан мукофот тайинланиши ҳақида қарор қабул қилинган. Шу куни мактаб директорнинг №52 буйруғига асосан марказлашган молия-бухгалтерия хизмати томонидан 2021 йил апрел ойида УзАСБО дастури бўйича М.Тажимовага базавий тариф ставкадан келиб чиққан ҳолда 20 ўқув соат ҳисобидан 2 881 828 сўм миқдоридан мукофот пули ҳисобланиб тўланганлиги маълум бўлди.

Бу ҳолат бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сонли “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 29 бандида Умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини умумтаълим муассасасини ривожлантиришга кўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун ҳамда республикамизда нишонланадиган байрам саналари муносабати билан уларга календарь йили давомида жами икки лавозим маошигача миқдорда мукофот пули тўлаш йўли билан моддий рағбатлантирилади деб кўрсатилган.

Яъни, Тахиатош тумани 4-сонли мактабнинг ўқитувчиси М.Тажимовага тарификация бўйича ўқитаётган (*бошланғич синфдаги 10 соатига ва юқори синфдаги 13 соатига*) жами 23 ўқув соат учун 3 474 204 сўм ҳисобланиши лозим бўлган лавозим маоши ўрнига базавий тариф ставкадан ҳисобланиши натижасида жами **592 376 сўмга** мукофот пули кам ҳисобланишига йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сизга фуқаро М.Тажимовага малакали ўқитувчилар етарли бўлмаса битта синфдаги рус тили фани бўйича бўлиб ўқитишга рухсат этилмайдиганлигини, шунингдек марказлашган молия-бухгалтерия хизмати томонидан мукофот пули 592 376 сўмга кам ҳисоблаб тўланганлиги юзасидан тегишли маъсул ходимга нисбатан амалдаги меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари кўрилиши ҳақида Тахиатош тумани халқ таълими бўлими мудирини А.Орынбаевага топшириқ берилганлигини маълум қиламиз.

Илова _____ варақда тақдим қилинмоқда.

Вазир ўринбосари

Ш.Таджимуратов

Ижрочи: Т.Утепов

Тел: (61) 222-92-63

Т.Утепов